

«Ёрмозор» мавзиъида шаҳар кўргонига тиралиб со-линган ўрда. Ўрда дарбозасининг сахни ботмонлаб ҳисобланган мевазор бўлиб, бунда олма, ўрик, нок ва тут ёгочлари хилигина бор эдилар. Дарбозанинг икки бикинини ўраб олган лойига гуллар, накшлар туширилиб ишланган саккиз газлар юксакликда ўрда кўргони, дарбозанинг икки буржида алачами, бўзданми узун чопонлар кийиб, бошларига кулокчин кўндирган, кайиш камар устидан килич тикиниб милтикларига суянган икки йигит кўринадирлар — булар навбатчи ўрда қоровули, қоронги тушишка яқинлашқанликдан қия ёпилиб турган дарбозани қимдир, ичкаридан биттаси зичлаб ёпди-да, қуч сарф қилиб дарбозанинг зўр занжирини шарақ-шурик этиб боғлади. Хозир бизга ўрда ичига қириш мумкин бўлмагани учун кўргоннинг ташқари теғрасида айланиб турайлик: дарбозанинг сўл бикинига қараб икки юз адим кетсак кўргон девори тугалаб, буржа етиладир. Кўргон буржиги қоровул туриш учун махсус манора шақилли жой ясалган бўлса ҳам хозирда навбатчидан холидир. Шундан кейин бир бўшлиқ ер билан кўргоннинг жанубига қараб кетилдир. Тўрт юз адимлаб қорилгач, кўргоннинг шарқи-жануби буржиги етилиб, бу буржини ҳам ановисидек қоровулсиз топиладир. Бу бурждан қараган қишига кўргоннинг қарби-жануби буржи ҳам қўриқиб, шу йўсунда ўрданинг тўрт буржини айланиб қикилса бир минг олти юз адим қосилган бўлиб ўрда-нинг қарб томонидан биз қанишқан ўрда дарбозасига қелинадир.

Хозир қоронги ҳам ўбдан тушқанликдан қиши-қишини қанимаслик қаражада эди. Қояғи дарбоза устида қўринган қоровуллар ҳамон қора қайқал қабил қотиб турар эдилар. Шаҳар ичидан ўрда дарбозасига қараб қелмақда бўлган бир неча от оёғларини эшитиб қоровуллардан биттаси — «туёқ қовшимми?» деб, иккинчисига савол ташлаб қўйди. Иккинчи қоровул мўралаб-мўралаб йўлга қаради:

— Уч отлик қўринадир.

— Вактсиз қелгучи қим экан?

— Бундай вақтда қўрқошидан бошқа қиши қелмас эди, эҳтимол, ўшадир.

Қарвоқиб, қўрқоши ўзининг икки йигити билан етиб қелди ва отидан қўниб қиловини йигитининг қўлига қерар экан, қоровулларга буюрди:

— Қарбозани очсинлар!

Қоровуллар ичкарига қабар қергандан сўнг дарбоза очилиб қўрқоши ичкарига қирди. Ўрданинг теғарак масоҳатини биз қамалаб қўрган эдик, шунинг учун ўрданинг қай қаража қенг бўлиши ҳам бизга қиёсан маълум. Аммо ўрданинг қўпроқ қисми дарбоза томонида қолдирилиб, жанубқа тортилган қатти мустанқим бир девор билан бўлинган эди. Қариги томон ўрданинг ичкари қисмининг ташқил этиб, унда бек — ҳоқим оиласи турар эди. Ўрданинг ташқариги қисмининг уч тарафи (жануб, шарқ, қарб) биносиз, қабат қўргон деворлари-нинг қиналари эди. Аммо иморат қисми дарбоза билан бир қаторда бўлиб, сўл биқинида девонқона, унинг қаторида бўйига қирқ, энига йигирма олқин жой олган ўн беш қаричалиқ қатқакон қорзари уй, иқида элли қоглик бек йигитлари гулқан солиб ўлтурар эдилар. Бу уйнинг қатори ошқона, отқона ва шунингдеб, ҳожат уйларини ташқил этар эдилар.

Қўрқоши дарбозабон ёнида тўхтаб, ундан сўради:

— Бек ичкаридақилар?

Қарбозабон дарбозани қучаниб ёпар экан, жавоб қерди:

— Билмақим, тақсир.

Ўрданинг чарогчиси дарбоза якинидаги машъала ёгочига ўт бериб, бутун ўрда ичи ёриб кетди. Кўрбоши дарбозанинг ўнг тарафига караб юрди. Бу томонда нихоятда зийнатланиб бино килинган олий иморатлар бўлиб, сахар усталарининг хамма санъат ва махоратлари шу биноларда гавдаланур эди. Кўрбоши би-ринчи эшик ёнида турган яроглик коровулдан ўтиб, кичикрак, накшлик бир уйга кирди. Иккинчи эшикдан ўтиб, улуг бир золга чикди. Зол жуда нафис ишланган эди: олтин кандилдаги эллилаб шамъларнинг нури билан мунак-каш деворларнинг олтин, кумуш, кўк-кизил, ок-пушти, сарик-кора гуллари юлдузлардек яшнаб, уйга бир ха-ёлийлик берар эдилар. Уйнинг остига тўшалган кизил лола гуллик гилам кишини гўё бир чаманда хис этдирар эди. Золнинг тўрида, кичкина халдор бир эшикча ёнида, атлас кўрпача устида ўн беш ёшлар чамалик, кизил духобадан кийинган кўркам бир ўглон палов еб турар эди.

Кўрбоши эшикдан кирар экан, ўглонга караб кулимсиради:

— Ха, Ахмадхон, сиз шу ерда экансиз, — деди.

Ахмадхон жойидан кўзгалмади:

— Мен хамиша шу ерда, кани, ошга.

— Рахмат. Кушбеги ичкаридадирлар?

— Ичкаридалар, — деди Ахмадхон, — мен тўйиб колдим, келсангиз-чи.

— Бўлмаса, табаррук кўлингиз билан битта ошатсангиз.

Ахмадхон кўлига сиккунча ош олиб кўрбошига тутти, кўрбоши ихлос билан Ахмадхоннинг кўлидан ошади. Ул ошнигина эмас, хатто Ахмадхоннинг кўлини хам ошайдирган эди.

Кўб фурсат ўтмади. Тўрдаги кичкина эшик очилиб ичкаридан тўла юзлик, ўсик кошлик, огир карагучи кўзлик, сийрак сокол, ўрта бўйлик, устидан кимхоб тўн кийиб, белига килич оскан кирк беш ёшлар чамасида бир киши кўринди. Ахмадхон билан кўрбошининг ўринларидан туриб таъзим килишларидан бу зотнинг ким эканлиги билинар эди. Бу киши келиб атлас кўрпача устига ўлтурди ва ўзининг салмок товши билан:

— Калай, Холикбек, — деди, — юртларингиз тинч-ликми, ўлтуринг.

— Худога шукур, давлатлари кўланкасида, — деб кўрбоши тавозиъланди ва кўл ковуштириб кушбегининг якинига чўккалади. Ахмадхон бўш лаганни дастур-хони билан кўтариб кушбеги кирган эшикдан чикди.

— Кечаги ўгрилар нима бўлди, кўлга туширдингизми?

— Давлатлари кўланкасида... Ўгрилардан биттаси тутилди, давлатлари ёри берса колганлари хам ушланур, деб ўйлайман.

— Бошка нима хабарлар бор?

Кўрбоши юзига жиддийлик холати берди:

— Давлатлари ёри берса ҳукуматимиз учун кўркунч бўлган бузукилар уясини топкандекман, — деди.

Кушбеги ўзига ўнгайсизлик бермакда бўлган киличини тизасига олиб хамон совукконлилик билан сўра-ди:

— Кандай бузукилар уяси?

— Кандай бузукилар уяси бўлсин, таксир, — деди кўрбоши, — дунёда кора чопонликлардан хам кучлирак бузукилар бўладими?

Кушбеги кўтарилинкараб олди ва кўзлари бир оз каттарок очилди:

— Хўш?

— Маълумингиз, улардан Азизбек билан Юсуфбек Тошкандда билфеъл исён чикариб ётадирлар. Бирок улар шунинг ўзигагина коникмай, Маргилонни хам бузиш фикрига тушканлар ва шу максадда бу ерга одам хам кўндирганлар.

— Одами ким, танидингизми?

— Танидим, таксир, — деди кўрбоши магрур бир охангда, — Юсуфбек хожининг ўгли ва ўзимизнинг Маргилондан ҳам яна бир неча бузукилар.

— Юсуфбек хожининг ўгли?

— Таксир... исми Отабек.

Кушбегининг кўзи ёнди... Манглай этлари тиришиб, сўл кўл билан соколини тутамлаб фикрга кетди. Бу хабар унга бошқача таъсир берган эди: Тошканднинг Кўконга карши исён килган бир замонида, исёнчи-лардан бири ҳам биринчиси бўлиб танилган Юсуфбек хождек бир кимсанинг ўз ўглини Маргилонга юбориб, бунда ҳам исён чиқариш касдида бўлмоги унингча жуда яқин ва шубхасиз эди.

— Ул хозир каерда турадир?

— Мирзакарим кутидор исмлиқ бир кишиникида.

— Мирзакарим билан қандай алоқаси бор эмиш?

— Баракалла, таксир, — деди кўрбоши, — Отабекнинг Маргилондан топкан энг яқин кишиси шу кутидордир. Мундан бир неча кун илгари Отабекка ўз кизини бериб куяв ҳам килибдир. Айтишларича, Отабекнинг барча режалари шу кутидор билан кенгашиб бўлар экан.

— Уларнинг теварагига кимлар йигилган?

Кўрбоши кўйнидаги ёзувни олиб кушбегига узатди:

— Хозирча менга маълум бўлган бузукилар шунда.

Кушбеги ёзувга кўз югуртириб рўйхатдаги кишиларни дархол келтиришга буюрди.

Кўрбоши куллик килиб чикгач, яна бир қайта ёзувни ўқуб фикрга толди.

* * *

Ўтаббой кушбеги хозиргина ичкари ўрдадан қайтиб чикган эди. Шу орада кўрбоши кириб унга куллик килди:

— Келтирдим, таксир. Бирок иккисини тополмадим.

Кушбеги чидамсизлик билан:

— Отабекни-чи? — деб сўради.

Кўрбоши музаффарона жавоб берди:

— Тутдим, таксир, кутидорни ҳам.

— Олиб кингиз.

Кушбеги тинчланди, кўрбоши дахлиздан ташқарига ишорат берди ва қайтиб кушбегига рухсат куллиги адо килди ва ундан изн олиб ўлтурди. Эшикдан икки куруллик йигит мухофазатида Отабек ва кутидор кўриниб бекка куллуқ килдилар. Кушбеги яроглиқ йигитларни қайтишга буюриб, гунохкорларни ёвошгина килиб ўз олдига чақирди.

Отабекда тушунмасликдан бошқа ўзгариш сезилмаса ҳам кутидор жуда кўрккан, ранги ўчкан эди. Иккиси тенглиқда кушбегига карши чўккаладилар. Отабекни ортикча бир диққат билан кўз тегидан ўтқаргач, кушбеги сўради:

— Отабек деган сизми?

— Таксир, ман.

— Тошкандлик Юсуфбек хожининг ўглисиз?

— Таксир.

— Хозир Маргилонда турасизми?

— Таксир.

— Маргилон келганингизга кўб бўлдимми?

— Кирк кунлар чамаси.

— Маргилонга нима юмиш билан келган эдингиз?

— Савдогарчилик билан, таксир.

— Ўзингиз ёлгизми?

— Бир кишим бор эди.

Кушбеги кўлидаги рўйхатка караб олди ва давом этди:

— Хасанали ким бўладир?

Отабекдаги бояги тушунмаслик бир шубхага алишинди. Аммо парвосизча жавобини бераверди:

— Кулимиз бўладир, Тошканддан келгандаги йўл-дошим шу сиз айткан Хасанали эди.

— Хасанали бу кунда каерда?

— Маргилонда.

— Сиз билан бирга турадимиз?

— Йўк. Саройда бир мунча молларимиз бўлар эди, саройда молларга караб турадир.

— Бу киши кимингиз?

— Кайин отамиз.

— Кўбдан берими?

— Бу кун саккизинчи кун...

— Илгари ўзингиз уйланган эдингизми?

— Йўк.

— Ўзингиз тошкандлик бўлатуриб нима мажбурият остида Маргилондан уйландингиз?

Бу саволдан Отабек бир оз ўнгайсизланиб тўхтади. Аммо бу ўнгайсизланишдан кушбегининг олдида бошка бир хакикат очилгандек бўлди:

— Жавоб берингиз.

— Такдир, таксир.

Кушбеги бир оз ўйлаб олиб яна савол берди:

— Маргилонда кимларни танийсиз?

— Маргилонда уч-тўрт кишидан бошка одамни танимайман.

— Акрам хожини танирсиз?

— Танийман. Унинг билан бир неча мажлисларда ўлтурушкан эдим.

— Бу кунда Акрам хожи ошнангиз каерда?

— Билмадим, таксир, — деди ва кайин отасига каради.

Кутидор жавоб берди:

— Акрам хожи бу кунларда Андижонда бўлса керак, таксир.

— Хўб. Отабек, сиз жавоб берингиз: Акрам хожи билан бўлган мажлисларингиз кимникида эди?

Отабек бундай сўроқларнинг бекорга эмаслигини пайкаб, бунинг тегида қандай бўлса ҳам бир гап борли-гига ишонди:

— Биринчи мажлисимиз мундан бир ой чамаси бурун Зиё ака деганнинг уйида, иккинчиси (кутидорга имо қилиб) бу кишиникида бўлган эди. Шу мажлисларда Акрам хожи ҳам бор эди.

— Зиё аканикида бўлган мажлисингизга кимлар иштирок қилди?

— Мен, Зиё шохичи, бу киши (кутидор), — деди ва бир оз ўйланиб олди, — Зиё аканинг ўгли — Раҳмат, Акрам хожи, Хасанали, Хомид исмлиқ яна бир киши.

Хомид исмини эшиткан кўрбоши тасдиқ қилгандек бир ҳаракат ясаб қўйди. Кушбеги кўрбошига ер тегида кўз юбориб олди-да, давом қилди:

— Иккинчи мажлисингизда кимлар бўлди?

- Иккинчи мажлисимизда бояги кишиларгина бўлди. Факат Хомид йўк эди.
- Боя, Маргилон келганимга неча кун бўлди, дедингиз?
- Кирк кунлар чамаси.
- Яхши, — деди кушбеги, — айтингиз-чи, кирк кунлаб Маргилонда колишингизнинг сабаби нима эди?
- Маълумки, хозир Тошканд камал (мухосара) холатидадир. Шундай вақтда Тошкандга кайтиш ўзи ақлсизлик бўлар эди.
- Корачопончи бўлганингиз учун, — деди истех-зо килиб кушбеги, — кипчок огайнилардан кўрқдин-гизми?
- Сўзингизга тушунолмаман, — деди кулиб Отабек. Бу гапни оддий кишига айткандек килиб сўзлади. Кутидор унинг бу айткан гапидан эмас, кулишидан ниҳоят даражада кўркувга тушиб ўзида иссиқлик-совуқлик бир холат хис эткан эди. Хокимларга гарчи тўғри бўлганда ҳам дагалрок сўз айтиш ўлимни тилаш билан тенг эди. Ўтаббой кушбеги замона хокимларининг тузуги бўлса ҳам, кўп бўлмаса озрок улар-нинг таъсири бунда ҳам бор эди. Отабекнинг бу гапидан кизишди:
- Кипчок душмани бўлган отангиз Юсуфбек хожини унутдингизми? Отангизнинг сизга берган ваколоти каерда колди?
- Кипчок душмани ким, отам кимга қандай ваколат берган, худо ҳақки учун очиб сўзлангиз, йўкса ёриламман, таксир!
- Ўзингизни тагофулга солмангиз, бек йигит, — деди кушбеги, — отангизнинг ким эканини, сизни Маргилонга нима учун юборганини, кутидор билан мунда қандай ишлар қилмоқда бўлганлигингизни, барчасини ҳужжатлари билан биламиз. Сиз маргилонлик огайниларни кипчокларга қарши оёқландирмоқчи бўласиз, буни ҳам яхши биламиз!..
- Отабек
- Кутидор
- Отабек азбаройи бўғилиб кетканидан кўкимтил товланган, кутидор безгаклардек титрай бошлаган эди. Отабек ўзини куч билан йигиштирди:
- Бунда зўр тухмат бор, таксир, — деди, — отамни кипчок душмани ва мени Маргилон огайниларини исёнга хозирлаш учун келган, деб ўйлайсизми?
- Ўйламаймиз, аммо яхши биламиз. Кутидорнинг сизга нима учун кизини бериб, қуяв қилганига ҳам яхши тушунамиз.
- Кутидор суратдек қотиб қолди, Отабек бўлса ўзидаги хаяжонни куч хол билан тарқатишга тиришар эди. Кушбеги билан кўрбоши бу икки гунохкорни таъқиб этар, улардаги ҳар бир ҳаракатни ўзларича бир нарсага йўяр эдилар.
- Уч-тўрт дақиқалик сукутдан кейин Отабек тилга келди:
- Биз бу дақиқада сизнинг фикрингизча гўё бир игвогар, гўё бир исёнчи бўлиб танилиб турибмиз, — деди бек, — чиндан ҳам шундог кишилармизми, йўқми, буни албатта сизнинг текширишларингиз, ҳақиқат-ларингиз кўрсатар. Мен сизнинг қиличингиз остида ўлим-дан кўркиб ёки сизга хушомад учун сўзламай ҳукумат кишиларимиз орасида тушунадирган бир одам бўлганлигингиз важдан отамнинг ҳам ўзимнинг қандай фикр ва маслак кишиси эканлигимизни айтиб ўтмакчи бўламман: биз на кипчокларга тарафдор бир киши ва на шаҳарлик огайниларга. Бу икки фирка бизнинг назари-мизда бир-бирисидан мумтоз, идора ишида бири-биридан ортиқроқ халқлар эмасдир. Шунга биноан Туркистон халқларининг истикболларини бу икки фирканинг биттасига ҳавола қилиш баайни қўйни бўрига топшириш қабилда бўладир. Нега десангиз, ҳар икки томоннинг иш бошига интилган кишиларининг кўкрагига қўл солиб кўрсангиз, бирисининг факат эл таламоқ,

бойлик ордирмоккагина бўлган гаразини, иккинчисининг кўркли хотинлар, юкори турмишлар учун бўлган мақсадинигина кўриб, икки орадан «елни тинчитай, эл ҳам рохат-тирикчилик килсин» деган учунчи бир олий мақсадни чарог ёкиб ахтарсангиз ҳам тополмассиз. Мана биз, таксир, шу кейинги ишда кўрилмаса ҳам факат ширин хаёллардагина юрган олий фиркага ўзимизда тарафдорлик хис этамиз. Отамнинг Азизбекка якин туриши кипчок душмани, кора чопон тарафдори бўлганидан эмас, балки бояги маслакка бир хизмат килмок учундир. Таассуфки, отам-нинг Азизбекдан бўлган умиди бўшка кетди: бу кун ул ўзининг ярамас хаёли йўлида хондан юз ўгирди ва бу орада канча гунохсизнинг кони тўкилишига сабаб бўлмокдадир. Маним бу сўзларимга ишонинг-ишонманг, ихтиёр албатта сиздадир. Аммо бундог энг жўн бўхтон билан кораланишимга виждоним каршисида сўнг даража муаззабман, таксир!

Кушбеги Отабекнинг бу гапларидан яхшигина тараддудга тушкан эди, аммо — «Азизбекнинг оталиги ва кенгашчиси» бўлган Юсуфбек хожининг ўгли бўлиши унинг миясини котирган, балки, бу гаплар шундай эхтимолларга карши дастур килиб берилган бўлмасин, деган фикрга келган эди. Отабекнинг юкоридаги гапла-ридан сўнг бўлган ундаги ўзгариш ҳам факат бу ишни яхшилаб текшириш ва хозирдан бир хукм бермасликкина бўлди.

— Хар холда сизнинг яхши ниятлик кишилар бўлмаганлигингиз кўзимиз ўнгидадир, — деди кушбеги,— шунинг учун то хакикат ошкор бўлгунчалик хар иккингиз зиндонда коларсиз.

Отабек бир сўз айтмай сукут килди. Кутидор «чора йўкми?» дегандек килиб куявига каради. Кушбегининг ишорати билан йигитлар хозир бўлиб, гунохкорлар зиндонга жўнатилдилар. Кушбегининг — «Ертага уйида мажлис курилганларни ва бу мажлисда иштирок килган бошкаларни ҳам кўлга олиб, хузуримга келтирингиз!» деган амридан сўнг кўрбоши ҳам рухсат олиб чикди.